

---

## "МЕНИНГ ЙҮЛИМ" ЛОЙИХАСИ АМАЛДА

"Менинг йўлим" лойиҳаси доирасида Марғилон шаҳридаги "Терак таги" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ички кўчалар асфальтлаштирилмоқда.

Жумладан, бугун мазкур маҳалладаги таъмирталаб ҳолатга келиб қолган "Терак таги" кўчаси тўлиқ асфальтлаштирилди.

- Ёзда чанг-тўзон, қишида лой билан тўлган кўчаларимизда бугун амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига кўпнинг ҳаваси келади, - дейди маҳалла нуронийси Назирахон Аҳмедова. - Ички йўлларни асфальтлаш ечиб бўлмас масалалардан эди. Орзуларимиз ушалди. Обод бўлаётган кўчалар маҳалламиз аҳолиси қалбига ўзгача қувонч, шодлик олиб келди, одамларимизнинг кайфияти, руҳияти кўтарилди.

2023-09-13 14:26:38